

JINOYAT ISHLARI BO'YICHA  
YANGIHAYOT TUMAN SUDI

100012, Toshkent sh, Lutfikor  
ko'chasi, 33 uy



CRIME COURT OF  
YANGIHAYOT DISTRICT

100012, Tashkent, Lutfikor  
street, 33

Tel: (+99871) 207 08 83

e-mail: j.Yangiyahot@sud.uz

## IJRO VARAQA

02.08.2024 yil

1-1012-2403/267

Yangiyahot tuman

Toshkent shahar sudi jinoyat ishlari bo'yicha Yangiyahot tuman sudining 2024 yil 11 iyuldagi hukmiga ko'ra, O'zbekiston Respublikasi JK 167-moddasi 2-qismi bilan sudlangan Avezov Anvar Habibovichga oid ish bo'yicha A.Avezovdan 15.300.000 so'm jarima undirilsin.

**Qarzdor:** Avezov Anvar Habibovich, 1987 yil 13 iyun kuni Buxoro viloyatida tug'ilgan, millati ўzbek, Ўзбекистон fuqarosi, ma'lumoti oliy, ikki nafar farzandi bor, muqaddam sudlanmagan

**Pasport:** AD 3186605 31306871100051

**Manzili:** Buxoro viloyati, Romitan tumani, Alpomish kuchi, 146-uy

**Иш жойи:** "Said mega story invest" mas'uliyati cheklangan jamiyati direktori vazifasida ishlaydi

**Undiruvchi:** Davlat foydasiga.

**Sudning hukmi 2024 yil «02» iyuldan qonuniy kuchga kirdi.**

**Ushbu ijro hujjati 2024 yil 02 iyul kuni majburiy ijro byurosi organiga topshirildi.**

### Ijro hujjatini ijroga topshirish muddati 3 yil!

"Sudlar to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonunining 10-moddasiga ko'ra, qonuniy kuchga kirgan sud hujjatlari barcha davlat organlari, jamoat birlashmalari, korxonalar, muassasalar va tashkilotlar, mansabdor shaxslar, fuqarolar uchun majburiydir hamda O'zbekiston Respublikasining butun hududida ijro etilishi shart.

O'zbekiston Respublikasi MJtKning 198<sup>2</sup>-moddasiga muvofiq, Sud hujjatlari va boshqa organlar hujjatlarini ijro etish to'g'risidagi qonunchilikni buzganlik, ya'ni, qarzdorning daromadlari va mulkiy ahvoli haqida noto'g'ri ma'lumotlar berganlik, ijro hujjatini yo'qotganlik, undiruvni qarzdorning ish haqidan hamda unga tenglashtirilgan to'lovlardan ushlab qolish uchun yuborilgan ijro hujjatlarini ijro etish, ularning hisobini yuritish va ularni saqlash tartibini buzganlik, shuningdek qarzdor o'zining yangi ish, o'qish joyi, pensiya va boshqa daromadlar olish joyi haqida ma'lum qilmaganligi, —

fuqarolarga bazaviy hisoblash miqdorining besh baravaridan o'n baravarigacha, mansabdor shaxslarga esa - o'n baravaridan o'n besh baravarigacha miqdorda jarima solishga sabab bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasi JKning 232-moddasiga asosan, muayyan harakatlarni sodir etish yoxud ularni sodir etishdan o'zini tiyish majburiyatini yuklovchi sud hujjatini bajarishdan bo'yin tovlashni ma'muriy jazo qo'llanilganidan keyin davom ettirish, —

bazaviy hisoblash miqdorining yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki uch yuz oltmish soatgacha majburiy jamoat ishlari yoxud uch yilgacha axloq tuzatish ishlari yoki bir yilgacha ozodlikni cheklash yoki bir yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan;

O'sha qilmishlar mansabdor shaxs tomonidan sodir etilgan bo'lsa, —

bazaviy hisoblash miqdorining yuz baravaridan ikki yuz baravarigacha miqdorda jarima yoki besh yilgacha muayyan huquqdan mahrum qilish yoki ikki yildan besh yilgacha ozodlikni cheklash yoxud besh yilgacha ozodlikdan mahrum qilish bilan jazolanishi belgilangan.

O'zbekiston Respublikasi JPK 531-moddasining sakkizinchi qismiga muvofiq, sud qarorining jarima solishga va boshqa mulkiy undirishlarga taalluqli qismini ijro etish uchun ijro varaqalari yoki ularning dublikatlari sud qarorining nusxasi bilan birga birinchi instansiya sudi tomonidan sudning qarori qonuniy kuchga kirgan yoki ish apellyatsiya instansiyasi sudidan qaytarilgan kundan e'tiboran uch kundan kechiktirmay mahkumning yashash joyidagi yoxud jazoni o'tash joyidagi, shuningdek mahkumning mol-mulki turgan joydagi davlat ijrochilariga elektron hujjat tarzida yuboriladi.



“Sud hujjatlari va boshqa organlar hujjatlarini ijro etish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunining 23-moddasining 1,2 va 4-qismlariga asosan, Davlat ijrochisi ijro hujjatini suddan yoki uni bergan boshqa organdan yoxud undiruvchidan (agar ijro hujjatini ijroga topshirish muddati o‘tmagan va mazkur hujjat ushbu Qonunning 8-moddasida nazarda tutilgan talablarga muvofiq bo‘lsa) ijro uchun qabul qilib olishi va ijro ishi yuritishni qo‘zg‘atishi shart (bundan ushbu Qonunning 3-1-bobida nazarda tutilgan hollar mustasno). Agar qonunchilikda ijro hujjatlarining ayrim turlariga doir majburiy ilovalar nazarda tutilgan bo‘lsa, ular davlat ijrochisiga ijro hujjati bilan birga taqdim etilishi kerak.

Davlat ijrochisi ijro hujjatini olgan paytdan e‘tiboran bir ish kuni ichida ijro ishi yuritishni qo‘zg‘atish to‘g‘risida qaror chiqaradi.

Ijro ishi yuritishni qo‘zg‘atish to‘g‘risidagi qaror nusxasi u chiqarilgan kunning ertasidan kechiktirmay undiruvchiga, qarzdorga, shuningdek hujjati ijro etilishi lozim bo‘lgan sud yoki boshqa organga yuboriladi.

**Sudya**

**Z.Z.Yarashev**

Хужжат имзоланган: Ярашев Завқиддин Зайнидинович, 02.08.2024



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил июль ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди, Янгиҳаёт туман “Навқирон” маҳалла фуқаролар йиғини биносида очик сайёр суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи З.Ярашев, судья ёрдамчиси Н.Пиранов, тарафлардан давлат айбловчиси Янгиҳаёт туман прокурорининг катта ёрдамчиси Д.Пардаев, судланувчи А.Авезов ва унинг химоячиси-адвокат А.Буксинбаев ва фуқаровий даъвогар Х.Қодироваларнинг иштирокида,

1987 йил 13 июнь куни Бухоро вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Said mega story invest” масъулияти чекланган жамияти директори вазифасида ишлайди, Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Алпомиш кўчаси, 146-уйда рўйхатда туриб, яшовчи, иш бўйича 2024 йил 24 июнь куни “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 02 июль куни олган Авезов Анвар Ҳабибович (*Avezov Anvar Habibovich*)ни

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “а,б,в,г” бандлари ва 28,209-моддаси 2-қисмининг “а” банди айблаш ҳақидаги 1-1012-2403/267-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш бўйича тўпланган ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Авезов 2022 йил 29 мартдаги 15-сонли буйруққа асосан “Saidbek Mega Story Invest” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаб келиб, ўзига ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида буюртмачи корхона “Ўзсувтаъминот” АЖ сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси унитар корхонаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси мутахассиси А.Н.Шамурадов билан жинойий тил бириктириб, “Ўзсувтаъминот” АЖ сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси унитар корхонаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси билан ва “Saidbek Mega Story Invest” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2023 йил 19 майда тузилган № 29191-сонли шартномага асосан Янгиҳаёт туманида жойлашган Янгиҳаёт индустриал технопаркида оқова сув тармоғини қуриш-таъмирлаш ишларини



олиб бориб, 2023 йил 18 июлдаги “Бажарилган ишлар далолатномаси”да жами 3.243.388,937 сўмлик иш ҳажми бажарилганлиги ҳақида 1-сонли ҳисоб варақ-фактурани, 2023 йил 05 сентябрдаги “Бажарилган ишлар далолатномаси”да жами

2.210.378,157 сўмлик иш ҳажми бажарилганлиги ҳақидаги 2-сонли ҳисобварақ-фактурани ва 2023 йил 05 декабрдаги “Бажарилган ишлар далолатномалари”да жами 634.802,498 сўмлик иш ҳажми бажарилганлиги ҳақидаги 3-сонли ҳисоб варақ-фактурани тайёрлаб юқоридаги бажарилган ишлар далолатномаларида ҳақиқатда бажарилмаган жами 125.392.347 сўмлик иш ҳажмини қўшиб ёзиб, бажарилган ишлар далолатномаларини ва 1-,2-,3-сонли ҳисоб варақ-фактурани тўлов учун тақдим қилганлиги натижасида буюртмачи “Ўзсувтаъминот” АЖ сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси унитар корхонаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тўловларни амалга оширилишига эришиб, жами 125.392.347 сўм пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиб, “Ўзсувтаъминот” АЖ сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси унитар корхонаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган.

Судланувчи А.Авезов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йилдан бошлаб «Saidbek mega stroy invest» масъулияти чекланган жамиятида директор лавозимида ишлаб келаётгани, хизмат вазифаларига ходимларни жамиятга ишга қабул қилиш, уларни лавозимидан озод қилиш, жамиятга умумий раҳбарлик қилиш, жамият ишчиларининг ишларини назорат қилиш ва бошқалар киришини, 2023 йилда “shaffof” тендер платформасидан Янгиҳаёт индустриал технопаркида оқова сув тармоғини қуриш ишларини «Saidbek mega stroy invest» масъулияти чекланган жамияти номидан қатнашиб ютиб олгани, сўнгра буюртмачи: “O'zsvuta'minot” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси номидан низом асосида иш кўрувчи директор А.Максудов бир томондан ва кейинги ўринларда “пудратчи” деб юритиладиган «Saidbek mega stroy invest» масъулияти чекланган жамияти номидан ўзи ўртасида 2023 йил 19 майдаги умумий қиймати 6.088.569.592 сўмлик № 29191-сонли пудрат шартномасига кўра пудратчи томонидан Янгиҳаёт индустриал технопаркида оқова сув тармоғини қуриш объектини фойдаланишга топширишга доир ишларни бажариш бўйича шартнома тузилгани, мазкур Янгиҳаёт туманида жойлашган Янгиҳаёт индустриал технопаркида оқова сув тармоғини қуриш ишларини жамияти томонидан 2023 йилнинг охирига қадар амалга оширганликларини, бу ишларни қилишда қурилиш соҳасида унинг тажрибаси камлиги сабабли жамият таъсисчиси Ф.Самиевдан маслаҳат олиб ишлаб келгани, 2023 йил 18 июлда тузилган ва “Saidbek mega stroy invest” масъулияти чекланган жамияти номидан унинг томонидан имзоланган “Справка счёт фактура о стоимости выполненных работ за июнь месяц” ва “Акт



Выполненных работ №1” га кўра 3.243.388,937 сўмлик ишлар қилинганлиги бўйича “бажарилган ишлар далолатномаси” ҳамда ҳисоб-фактура буюртмачи “O’zsuvta’minot” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига топширилгани, шунингдек 2023 йил 05 сентябрдаги 2.210.378.157 сўмлик ишлар қилинганлиги бўйича ҳисоб-фактура ва “бажарилган ишлар далолатномаси № 2”, 2023 йил 05 декабрдаги 634.802,498 сўмлик ишлар қилинганлиги бўйича ҳисоб-фактура ва “бажарилган ишлар далолатномаси №3” буюртмачига топширилиб, жами бўлиб ҳисоб-варақ-счёт-фактуралар бўйича (Ф3) ҳужжатлари асосида тўловга 6.088.569.592 сўм тақдим этилгани, 2023 йил 08 февралдаги ҳолатга кўра жамият ҳисоб рақамига шартноманинг тегишли бандига асосан шартнома умумий миқдорининг 5 фоизи миқдорида пул маблағлари ушлаб қолиниб, 5.784.141.454 сўм пул маблағлари ўтказиб берилгани, улар мазкур қурилиш объектини 2023 йилнинг охирида топширганларидан сўнг буюртмачи ва жамият ўртасидаги шартномага асосан жамият томонидан Янгиҳаёт индустриал технопаркида оқова сув тармоғини қуриш ишларини қилинганлиги ҳолати бўйича назорат ўлчови ўтказиш бўйича шартнома тузилгани, унга кўра “Qurilish Loyihalash va Nazorat o’lchovi” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан уларнинг ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 майдаги 321-сонли қарорига 4-илова “Қурилиш объектларида назорат ўлчовини ўтказиш тартиби тўғрисида” Низомнинг 2-боби, 8-бандига асосан аванс тариқасида тўловни амалга оширганлигидан сўнг назорат ўлчови ўтказишга киришилгани, “Qurilish Loyihalash va Nazorat o’lchovi” масъулияти чекланган жамиятининг 2024 йил 22 февралдаги “Назорат ўлчови ўтказиш далолатномаси”га кўра назорат экспертизаси вақтида «Saidbek mega stroy invest» масъулияти чекланган жамияти томонидан бажарилгани аниқланган амалдаги ишлар 5.977.362.402 сўмни ташкил қилиши, кўрсатилган ишлар ҳажмининг фарқи жами 125.392.347 сўмни ташкил қилиши аниқланганлигини, ҳозирда Янгиҳаёт тумани прокуратурасининг иш юритувида бўлган «Saidbek mega stroy invest» масъулияти чекланган жамияти, “O’zsuvta’minot” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан бўлган жиноят иши доирасида етказилган жами 125.392.347 сўм зарар жамияти томонидан қоплангани, жамиятдаги барча ҳужжатларни ўзи имзолаб берган эканлигини, айбини тушуниб етганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Авезовнинг айби айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, қуйидаги далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Фуқаровий даъвогар Х.Қодирова судда, ўтказилган текширишда «Saidbek mega stroy invest» масъулияти чекланган жамияти томонидан бажарилгани аниқланган амалдаги ишлар 5.977.362.402 сўмни ташкил қилиши, кўрсатилган ишлар ҳажмининг фарқи жами 125.392.347 сўмни ташкил қилиши аниқлангани, тергов органининг махсус депозит ҳисоб рақамига тўланган



125.392.347 сўм пулларни ЎзСҚБ Амалиёт бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришни сўраб, судланувчи А.Авезовга нисбатан қонуний ёрдам беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Шаимов судда, буюртмачи: “O’ZSUVTA’MINOT” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, Пудратчи: “SAIDBEK MEGA STROY INVEST” масъулияти чекланган жамияти томонидан бажарилган “Тошкент шаҳар Янгиҳаёт “Индустриал Технопарки”да оқова сув тармоғини қуриш объектида дастлабки 2024 йил 28 январдан 2024 йил 19 февралгача назорат ўлчов ишлари ўтказилгани, назорат ўлчови ишлари ўтказиш вақтида Пудратчи: “SAIDBEK MEGA STROY INVEST” масъулияти чекланган жамияти тарафидан қуйидаги меъёрий ҳужжатлар тақдим этилганлигини, лойиҳа иш ҳужжатлари; пудрат шартномаси; экспертиза хулосаси; счёт фактуралар Ф-3(шакли) Бажарилган ишлар далолатномалари Ф-2(шакли) таққослаш-солиштирма далолатномаси; сертификатлар; яширин ишлар гувоҳланиши далолатномалари; иш жараёни фотосуратлари; траншеялар асосини гувоҳланиши геологик хулосалари 2-дона ва бошқа ҳужжатлар асосида текширилгани, Тошкент шаҳар “Янгиҳаёт Индустриал Технопарки”да оқова сув тармоғини қуриш 2023 йил 19 майдаги 29191-сонли баённома ва Лот № 23411006029191 рақами асосида электрон платформа асосида Буюртмачи: “O’zsuvta’minot” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва Пудратчи: «Saidbek mega stroy invest» масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2023 йил 19 майда № 29191-сонли пудрат шартномаси асосида қурилиш ишлари бошлангани, объектнинг шартномавий қиймати 2023 йил 7 майда ҳолатига: 6.088.569.591 сўмни ташкил этгани, “O’zbekkomunalloyiha” масъулияти чекланган жамияти томонидан объектнинг смета қисмига ижобий экспертиза хулосаси тақдим этилгани, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент вилояти филиали томонидан барча мажбурий ажратмалар ва ҚҚС билан: 6 128 412 594 сўмлик қурилиш қийматига 2022 йил 29 июнда № 85336-сонли экспертиза хулосаси берилгани, объектнинг смета қисми қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 март кундаги 261 қарор ва ШНК 4.01.16.09 талаблари асосида ишлаб чиқилгани, бажарилган ишлар далолатномаси ҳужжатида бажарилганлиги кўрсатилган иш ҳажмлари ШНК 4.01.01-20 (Қурилишда нарх белгилаш учун тахминий меъёрий ҳужжатлар) ва ШНК 4. 02 00-04 (қурилиш ишлари учун ресурс-элемент сметаларини ишлаб чиқиш) талабларига мос равишда бажарилганлигини, объектнинг бошланғич қиймати Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 июндаги 261-сонли “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий занжирларга ўтиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ресурс усули билан белгиланган. ишчиларининг асосий иш ҳақи қиймати Тошкент вилоятида 12%. ижтимоий суғуртани ҳисобга олган ҳолда 30.000 сўм миқдорида белгиланган, машиналар ва механизмларнинг нархи механизациялашган қурилиш ташкилотларининг ҳисоблаш маълумотларига



мувофиқ белгиланганлигини, бажарилган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларига нархлар, коэффициентлар ва бошқа харажатлар асосли қўлланилганлигини, объектда бажарилган қурилиш таъмирлаш ишларини бажаришда лойиҳа асосида бажарилганлигини, буюртмачи: “O’ZSUVTA’MINOT” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва Пудратчи: “Saidbek mega stroy invest” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2023 йил 19 майда № 29191-сонли пудрат шартномаси асосида Пудратчи: “Saidbek mega stroy invest” масъулияти чекланган жамияти Назорат ўлчови экспертизаси вақтида бажарилгани аниқланган амалдаги ишлар 5.977.362.402 сўмни ташкил этишини, буюртмачи: «O’zsuvta’minot” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра Пудратчи: “Saidbek mega stroy invest” МЧЖ вакили томонидан объектга тегишли бўлган лойиҳа-смета ҳужжати, экспертиза ҳулосаси, пудратчи томонидан (муҳри ва имзоси билан тасдиқланган) ҳужжат тузилиб тўловга тақдим этилганлигини, ҳисоб-варақ-счёт-фактуралар Ф-3(шакли) ҳужжатлари асосида тўловга: 6.088.569.592 сўм тақдим этилгани, 2023 йил 8 февраль ҳолатига пудратчининг ҳисоб рақамига: 5.784.141.454 сўм ўтказиб берилгани, буюртмачи: “O’ZSUVTA’MINOT” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра Пудратчи: “Saidbek mega stroy invest” масъулияти чекланган жамияти олдидаги қарздорлиги (304.428.138 сўм -125.392.347 сўм)=179.035.791 сўмни ташкил этишини, назорат ўлчов ишлари ўтказиш даврида бажарилган ишлар далолатномаси асосида амалга оширилган иш турлари бўйича қуйидагилар аниқлангани, объектнинг қиймати 6.128.412.594 сўм, Справка счёт фактуралар (Ф- 3) тақдим этилгани, 6.088.569.592 сўм, Назорат ўлчовида аниқланган амалдаги ишлар Счёт фактуралар (Ф-3) нисбатан: 5.963.177.245 сўм., кўрсатилган ишлар ҳажми фарқи жами: 125.392.347 сўм эканлигини, таққослаш акти асосида тўланган пул миқдори: 5.784.141.454 сўм, O’ZSUVTA’MINOT” сув таъминотива оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК нинг қарздорлиги: 179.035.791 сўмни ташкил қилгани, назорат ўлчови ўтказиш жараёнида буюртмачи “O’zsuvta’minot” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси техник назоратчиси А.Шамурадов, Пудратчи ташкилот “SAIDBEK MEGA STROY INVEST” МЧЖ директори А.Авезов иштирок этгани, у “Qurilish Loyihalash va Nazorat o’lchovi” масъулияти чекланган жамияти мутахассиси сифатида “Saidbek mega stroy invest” масъулияти чекланган жамияти томонидан Янгихаёт индустриал технопаркида олиб борган оқова сув тармоғини қуриш ишларини назорат ўлчовидан ўтказгани, 2024 йил 22 февралдаги назорат ўлчови далолатномасида қуйидаги ишларда фарқ келиб чиққани, колодецларнинг қуйма ҳовуз бетон миқдорини қилишда 7.6 м куб, 4 дона “плита покрытия”, 5 дона темир чўгун люк, устама коэффициентларсиз 35.950.000 сўмлик 266 кг “соединительные металлические элементы”, электромонтаж ишлари устама коэффициентларсиз 30.636.508 сўмлик, насос



ўрнатиш ишларини бажармасдан устама коэффициентларсиз 7.592.715 сўмлик, ўта кучли изоляция 48 кв м бажарилмаган ишлар ва шу каби бошқа ишлар учун ортиқча тўловга тақдим қилганлигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Шамурадов судда, буюртмачи: “O'zsuvta'minot” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси номидан низом асосида иш кўрувчи директор А.Максудов бир томондан ва кейинги ўринларда “пудратчи” деб юритиладиган «Saidbek mega stroy invest» масъулияти чекланган жамияти номидан иш кўрувчи раҳбари А.Авезов ўртасида 2023 йил 19 майдаги № 29191-сонли пудрат шартномасига кўра пудратчи томонидан Янгиҳаёт индустриал технопаркида оқова сув тармоғини қуриш объектини фойдаланишга топширишга доир ишларни бажариш бўйича шартнома тузилгани, Тошкент шаҳар “Янгиҳаёт Индустриал Технопарки”да оқова сув тармоғини қуриш 2023 йил 19 майдаги 29191-сонли баённома ва Лот № 23411006029191 рақами асосида электрон платформа асосида Буюртмачи: “O'zsuvta'minot” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва Пудратчи: “Saidbek mega stroy invest” масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2023 йил 19 майда № 29191-сонли пудрат шартномаси асосида қурилиш ишлари бошлангани, объектнинг шартномавий қиймати 2023 йил 7 майда ҳолатига: 6.088.569.591 сўмни ташкил этгани, “O'zbekkomunalloyiha” масъулияти чекланган жамияти томонидан объектнинг смета қисмига ижобий экспертиза хулосаси тақдим этилган ва “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Тошкент вилояти филиали томонидан барча мажбурий ажратмалар ва ҚҚС билан: 6.128.412.594 сўмлик қурилиш қийматига 2022 йил 29 июнда № 85336-сонли экспертиза хулосаси берилгани, юқоридаги пудрат шартномаси бўйича ишларнинг бажариш муддати 240 кунни ташкил қилганлигини, объектнинг смета қисми қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 мартдаги 261-сонли қарор ва ШНК 4.01.16.09 талаблари асосида ишлаб чиқилганлигини, бажарилган ишлар далолатномаси ҳужжатида бажарилганлиги кўрсатилган иш ҳажмлари ШНК 4.01.01-20 (Қурилишда нарх белгилаш учун тахминий меъёрий ҳужжатлар) ва ШНК 4. 02 00-04 (қурилиш ишлари учун ресурс-элемент сметаларини ишлаб чиқиш) талабларига мос равишда бажарилгани, объектнинг бошланғич қиймати Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги № 261-сонли “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий занжирларга ўтиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ресурс усули билан белгилангани, ишчиларининг асосий иш ҳақи қиймати Тошкент вилоятида 12%. ижтимоий суғуртани ҳисобга олган ҳолда 30.000 сўм миқдорида белгилангани, машиналар ва механизмларнинг нархи механизациялашган қурилиш ташкилотларининг ҳисоблаш маълумотларига мувофиқ белгиланганлигини, бажарилган қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларига нархлар, коэффициентлар ва бошқа харажатлар асосли қўлланилганлигини, объектда бажарилган қурилиш таъмирлаш ишларини



базаришда лойиҳа асосида базарилганлигини, юқоридаги 2023 йил 19 майдаги № 29191-сонли пудрат шартномасининг VII-бўлимининг (тўловлар ва ҳисоб-китоблар) 16-бандида ажратилган авансинг молия йили мобайнида мутаносиб равишда ушлаб қолишини ҳисобга олган ҳолда, базарилган ишлар қийматининг 95 фоизи миқдорида ҳар ойда жорий молиялаштирилиши белгиланган бўлиб, 17-бандида объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоиз миқдори мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати тамом бўлганидан кейин фойдаланувчи ташкилотнинг асослантирилган эътирози бўлмаган тақдирда молиялаштирилиб берилиши келтириб ўтилгани, “O’zsuvta’minot” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси номидан низом асосида иш кўрувчи директор А.Максудов бир томондан ва кейинги ўринларда “пудратчи” деб юритиладиган «Saidbek mega stroy invest» масъулияти чекланган жамият номидан иш кўрувчи раҳбари А.Авезов ўртасида

2023 йил 19 майдаги № 29191-сонли пудрат шартномасига кўра пудратчи томонидан Янгиҳаёт индустриал технопаркида оқова сув тармоғини қуриш объектини фойдаланишга топширишга доир ишлар тахминан 2023 йил декабрь ойларида топширилгани, у ушбу объект бўйича барча базарилган ишларни хизмат йўриқномасига асосан қабул қилиб олгани, буюртмачи: “O’zsuvta’minot” сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича ИК Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра Пудратчи: “Saidbek mega stroy invest” масъулияти чекланган жамияти вакили томонидан объектга тегишли бўлган лойиҳа-смета ҳужжати, экспертиза ҳулосаси, пудратчи томонидан (муҳри ва имзоси билан тасдиқланган) ҳужжат тузилиб тўловга тақдим этилгани, ҳисоб-варақ-счёт-фактуралар Ф-3(шакли) ҳужжатлари асосида тўловга: 6.088.569.592 сўм тақдим этилгани, 2023 йил 8 февраль ҳолатига пудратчининг ҳисоб рақамига: 5.784.141.454 сўм ўтказиб берилгани, юқоридаги қурилиш объекти бўйича барча базарилган ишларни қабул қилиб олгани, у ишларни қабул қилиб олган вақтида 287 млн сўмлик 1 та сув насоси ва 1 дона подставка ўз жойида бўлгани, унинг билишича кейинчалик “Saidbek mega stroy invest” масъулияти чекланган жамияти томонидан мазкур сув насоси “Азиягидромаш” масъулияти чекланган жамиятига қайта жиҳозланиши учун топширилгани, “Азиягидромаш” масъулияти чекланган жамияти томонидан насос қайта ишлангандан сўнг 2024 йил 06 мартда унинг иштирокида объектга қайта ўрнатганликларини, шунингдек тахминан 35-45-млн сўм атрофида бўлган кабеллар ҳам мавжуд эмаслигини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ф.Самиев ва З.Очиловлар судда, судланувчи А.Авезовнинг кўрсатувларига ўхшаш аналогик кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари судланувчи А.Авезовнинг айби жиноят иши материалларида тўпланган ва судда текширилган пудрат шартномаси, ҳисоб варақ фактура ва базарилган ишлар далолатномаси, назорат ўлчови ўтказиш



далолатномаси, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда ишида тўпланган бошқа асосли далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи А.Авезовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “а,в,г” бандлари билан яъни мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, ўзига ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлик сифатида тўғри квалификация қилинган.

Аммо, такроран ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилганлик сифатида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ортиқча, такроран мансаб сохтакорлиги жиноятини содир қилганлик сифатида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 28,209-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2008 йил 05 майдаги № 13-сонли “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги Қарорнинг 4-бандида “Жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозим.

Давомли жиноят бир неча хатти-ҳаракатлардан охиргиси содир этилган пайтдан бошлаб тугалланган деб ҳисобланиши туфайли, жиноят қонунига бу қилмиш учун жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган ўзгартиришлар киритилганда, агар жиноят эпизодларидан ҳеч бўлмаганда биттаси қонун янги таҳрирда амал қила бошлаган даврда содир этилган бўлса, давомли жиноятнинг барча эпизодлари янги қонун бўйича квалификация қилиниши керак.” деб, 5-бандида эса давомли жиноят содир этилиши даврида шахс томонидан бошқа жиноят содир этилган бўлиб, унинг белгилари Жиноят кодексининг давомли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси диспозицияси билан қамраб олинмаса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг давомли жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи ҳамда бошқа жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари мажмуи бўйича квалификация қилинади.” деб кўрсатилган.

Ишда аниқланган ҳақиқий ҳолатларга кўра, аниқланган камомад ягона шартнома юзасидан келиб чиққан бўлиб, яқуний бажарилган ишлар далолатномаси асосида пул маблағлари пудратчига ўтказиб берилган.

Бундай ҳолатда судланувчи А.Авезовнинг айбини Жиноят кодекси 28,209-моддаси 2-қисмининг “а” бандидан Жиноят кодекси 28,209-моддасининг 1-қисмига қайта квалификация қилишни ҳамда унинг



айбидан Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “б” бандини чиқаришни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғриси”ги 7-сонли Қарорининг 26-банди 2-хатбошисида “Судланувчи томонидан содир этилган бир жиноят, жиноят қонунининг бир неча моддалари билан хато тавсифланганда ёки бир неча содир этилган жиноятларни жиноят қонунининг оғирроқ жазони тақозо қилувчи биргина моддаси билан тавсифлаш ўрнига асоссиз равишда жиноят қонуни бир моддасининг бир неча қисмлари билан тавсифлаганда, суд ҳукмининг тавсиф қисмида судланувчига хато қўйилган жиноят қонунининг моддаси (моддаси қисми)ни чиқариб ташлаш тўғрисида ҳам тегишли асослар келтирган ҳолда кўрсатиб ўтиш етарлидир, ҳукмнинг қарор қисмида такрорлаш шарт эмас” деб қайд этилганлиги инобатга олиб, суд судланувчи А.Авезовнинг жиноий ҳаракатларини қайта малакаланганлиги ва хато қўйилган жиноят қонунининг моддасини чиқариб ташланаётганлигини ҳукмнинг қарор қисмида кўрсатмасликни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар” деб;

60-моддасида эса “Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг 4-қисмида етказилган моддий зарар ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарорининг 9-бандида “Судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра қуйидаги ҳолларда маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилади деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган



бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд судланувчи А.Авезовга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, иш бўйича етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, қарамоғида икки нафар фарзанди борлигини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, бир неча иш ўрни яратганини инobatга олиб, Жиноят кодекси 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жарима жазосини жиноят содир қилинган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб тайинлашни, шунингдек, унинг тадбиркорлик субъекти эканлиги боис, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмасликни лозим топади.

Суд, бундан ташқари, ҳукм қонуний кучга киргач Тошкент шаҳар прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига етказилган зарар учун тўланган 125.392.347 сўм пулларни “Ўзсувтаъминот” АЖ сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси унитар корхонаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ҳисобига ўтказишни белгилашни лозим топади.

Суд, иш бўйича ёзма ашёвий далилларни жиноят иши материалларига кўшиб сақлашни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 460, 463, 465-468, 471,472-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М:

Авезов Анвар Ҳабибович (*Avezov Anvar Habibovich*) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “а,в,г”



бандлари ва 28,209-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Авезов Анвар Ҳабибович (*Avezov Anvar Habibovich*)га Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “а,в,г” бандлари билан Жиноят кодекси 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 (қирқ) баравари яъни 13.600.000 (ўн уч миллион олти юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Авезов Анвар Ҳабибович (*Avezov Anvar Habibovich*)га Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 28,209-моддасининг 1-қисми билан Жиноят кодекси 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 (қирқ) баравари яъни 13.600.000 (ўн уч миллион олти юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Авезов Анвар Ҳабибович (*Avezov Anvar Habibovich*)га Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 59-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 (қирқ беш) баравари яъни 15.300.000 (ўн беш миллион уч юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат ҳисобига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач:

-А.Авезовга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

-Иш бўйича Тошкент шаҳар прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 125.392.347 сўм пуллар “Ўзсувтаъминот” АЖ сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси унитар корхонаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ҳисоби ўтказилсин.

Иш бўйича ёзма ашёвий далиллар жиноят иши материалларига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилинган вақтдан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, иш апелляция инстанцияси судида кўрилмаёй ҳукм қонуний кучга кирган тақдирда кассация тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

З.З.Ярашев

